

АЛОҲИДА ҚИСМ:

8-мавзу: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ (8 соат)

Р Е Ж А:

1. Ер ҳуқуқининг алоҳида қисми тўғрисида тушунча.
2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи
3. Қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасаларининг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари.
4. Қишлоқ хўжалик ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари муассасалари ва ташкилотларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқлари субъектлари.
5. Қишлоқ хўжалик ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари муассасалари ва ташкилотларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқлари объектлари

8-Мавзу. 2-маъруза:
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ,
ТАШКИЛОТЛАРИ, МУАССАСАЛАРИНИНГ
ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ВА ЕРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИ**

Режа:

- 1. Қишлоқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**
- 2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартиби**

Тавсия этилаётган адабиётлар:

Асосий адабиётлар:

1. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
2. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 191б.
3. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 189 б.
4. Mirzaabdullaeva M.R., Muqimov A., Xafizova Z.X. Yer huquqi. O'quv qo'llanma. - Т.: TIMI, 2016, – 202 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
2. Земельное право республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбева. –Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
3. Ерофеев Б.В. Земелное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
4. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: Адолат, 1998

Интернет ва Зиёнет сайтлари:

1. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. <http:// zakon. rin. ru>

Маърузанинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 10 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза-ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 60 дақиқа	<p>2.1.Тарқатма материал тарқатилади мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намоиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар) Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Талабалар сони 96	8-Мавзу2-маъруза-2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	1.Қишлоқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартиби
Машғулотнинг мақсади: Қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасаларининг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
-Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартиби ўрнатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тушунчаларни бериш .-Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бериш тартиби тўғрисида маълумотларни бериш.	-Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартиби ўрнатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тушунчаларга эга бўлади. .-Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартиби тўғрисида маълумотларга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намоёниш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Фронтал, коллектив иш,
Ўқитиш шарт- шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Блиц саволлар

- 1. Ер ҳуқуқининг алоҳида қисмида қандай масалалар ўрганилади?**
- 2. Ер фонди тоифасининг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси нимани англатади?**
- 3. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерлар тушунчаси нимани англатади?**
- 4. Қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар умумий кўринишда қандай ер турларидан ташкил топади?**
- 5. Қишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?**

**ЕР ФОНДИ
ТОИФАСИНИ
НГ ҲУҚУҚИЙ
ҲОЛАТИ
ТУШУНЧАСИ**

**Ер фонди тоифасининг
ҳуқуқий ҳолати деганда
шу тоифа билан боғлиқ
боғлиқ бўлган
муносабатларни тартибга
солишнинг ер қонунчилик
ҳужжатларида
белгиланган тартиби
тушунилади**

ҚИШЛОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНГАН НОРМАТИВ- ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Қишлоқ хўжалик мақсадларига
мўлжалланган ерларни беришнинг
ҳуқуқий асослари


Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси

Ўзбекистон Республикаси қонуни “Фермер
хўжалиги тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси қонуни “Дехқон
хўжалиги тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси қонуни “Қишлоқ
хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)
тўғрисида”

КИШЛОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНИНГ ТОИФАЛАРИ БЎЙИЧА
ТАҚСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ**

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдони, минг га		% ҳисобида	
		01.01. 2016 й.	01.01. 2017 й.	01.01. 2016 й.	01.01. 2017 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20388.8	20174.0	45,42	44.94
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	219,2	220.8	0,49	0.49
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	906,6	905.3	2,03	2.02
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	76,0	704.3	0,17	1.57
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	13,7	14.1	0,03	0.03
6	Ўрмон фонди ерлари	9773.0	11191.9	21,77	24.93
7	Сув фонди ерлари	833.3	833.6	1,85	1.86
8	Заҳира ерлар	12678.8	10848.4	28,24	24.16
	Жами ерлар:	44892,4	44892,4	100.0	100.0

Қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерларни бериш тартиби

Маълумки барча қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъий назар, фойдаланиш мақсадлари ҳамда қонунда белгиланган ҳуқуқий ҳолатларига кўра маълум умумий ўхшашликка эга. Бундай ерлардан, яъни қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари жисмоний ва юридик шахслар бўлишлари мумкин. Амалдаги ер қонунчилигига биноан ердан фойдаланувчилар уларга берилган ердан ер кодексининг 46-моддасида кўрсатилган мақсадлардагина фойдаланишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига - товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун берилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бўйича ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун бундай маҳсулотларни етиштиришнинг имконини берувчи ер фонди тоифасининг бир қисмидан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиши зарур бўлади. Шу сабабдан ҳам уларнинг ушбу фаолияти мамлакат ички бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдиришнинг асосий манбаи эканлигини инобатга олиб қонунчиликда уларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилиши назарда тутилган.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига - илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун ҳам берилиши мумкин. Илмий-тадқиқот, таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш мақсадлари дейилганда, илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳосилдорлиги, унумдорлигини ошириш ёки унинг сифатини яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирларни синовдан ўтказишга қаратилган фаолият тушунилади. Маълумки сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти юксак даражада кўтарилиб, улардан мазкур соҳада фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, бинобарин бундай фаолият мазкур тоифа ерларнинг сақлаб қолинишида ҳамда сифати яхшиланишини кафолатловчи мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун ажратилган ерлар энг қимматли ерлар ҳисобланиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ва саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришда ўта муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер асосий восита ролини ўйнайди. Шунинг учун ҳам ер кодексининг 53-моддасида белгиланган **фермер хўжаликларини ташқил** этишнинг негизида уларга ер бериш масаласи ётади. Фермер хўжаликларига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «**Қайта ташқил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш Тартиби**» ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи билан тасдиқланган «**Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом**» фермер хўжаликларини ташқил этишда талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш шартларини, танлов ғолибларини аниқлаш тартибини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ер кодексининг 55-моддасига кўра—деҳқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун ҳам қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимининг оиласига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса-суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Ер кодексининг 56-моддасига кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, шунингдек, **фуқароларга жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги билан шуғулланиш учун** ҳам тақдим этилиши мумкин бўлиб, бундай мақсадда қишлоқ хўжалиги ерларининг берилиши умумий асосларга кўра ҳал этилади. Жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги фуқароларнинг мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришга йўналтирилган бўлиб, бундай фаолиятни рағбатлантиришга сўнгги вақтларда давлатимизда алоҳида эътиборга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Республика Президенти томонидан 2006 йил 11 январидан қабул қилинган “**Мева ва сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**”ги **ПҚ-255-сонли қарори** ҳам фуқароларнинг жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги юритиш билан боғлиқ фаолияти янада ривожлантиришга тurtки бўлди. Ер кодексининг 56-моддаси 6-қисмига кўра тегишли туман ҳокимининг рухсати билан боғдорчилик-узумчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,06 гектаргача ва полизчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0,08 гектаргача ўлчамда ер участкаси қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда берилиши мумкин:


а) мазкур ер участкаларида кўчалар очиш;

б) ушбу ер участкаларида жамоат иморатлари ва иншоотлар қуриш зарурлиги натижасида белгиланиши мумкин.

Жамоа боғдорчилиги учун ерлардан фойдаланиш ёрдамчи аҳамиятга эга. Чунки жамоа боғдорчилиги аъзолари бу фаолиятдан ташқари бошқа асосий фаолият билан ҳам шуғулланадилар. Бунда уларнинг ўзларининг турли эҳтиёжларини жамоа боғдорчилиги юритиш орқали қондиришлари мумкин. Бир сўз билан айтганда, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги бу эҳтиёжларни қондиришнинг қўшимча усулидир.

Ер кодексининг 57-моддасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳам **ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун** қишлоқ хўжалиги ерлари тақдим этилади. Ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ерлари асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ташаббуси билан уларда фаолият юритаётган ходимларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни моддий ва ижтимоий таъминотини янада кучайтириш мақсадларида берилади. Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, берилганда унинг устувор мавқе касб этиши инобатга олинган ҳолда, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилади. Ер кодексининг 57- моддасини амалиётга татбиқ этишнинг ижобий жиҳатларини қайд этиш жоиз: **Биринчидан**, саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ходимларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга хизмат қилади; **Иккинчидан**, ушбу моддани амалда татбиқ этиш ўз фаолиятини асосан давлат бюджети ҳисобидан юритувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар иш фаолиятида қўл келади; **Учинчидан**, 57-моддада кўрсатилган тартибга амал қилиш ҳудуддаги фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган ерларни ўзлаштиришга асос бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ердан фойдаланиши



Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бериш тартиби Ер кодексининг 58-моддасида белгилаган тартиб ва шартларда берилади. Унга мувофиқ, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ерлари олиб қўйилаётган ер эгаларининг розилигига кўра ва ердан фойдаланувчилар билан келишувга мувофиқ ер участкаларини ажратиш лойиҳаларига асосан туман ёки вилоят ҳокимининг қарори билан берилади. Янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари улар туман ёки вилоят ҳокимининг қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган пайтдан эътиборан вужудга келади ёки тугатилади

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ер участкаларининг тарқоқ, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишига ва бошқа камчиликларга эга бўлишига, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар объектлари тасдиқланган схема ёки туман режа лойиҳалари, хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари ва схемаларига асосан жойлаштирилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фойдаланишидаги ерларнинг тарқоқ, ўзга ерларга суқулиб кирган бўлишини ва бошқа камчиликларни бартараф этиш хўжаликлараро ер тузиш тартибида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхонасига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бериш уларнинг юқори бошқарув органининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари иш берувчиси (маъмурияти) қарорига биноан амалга оширилади.